

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ  
СОҲАСИДА МОНИТОРИНГ  
ЮРИТИШ ВА ФИТОСАНИТАР ДАЛА  
НАЗОРАТИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024**

**Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби бўйича услугбий қўлланма.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 59 б.

Мазкур услугбий қўлланма ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби бўйича муҳим маслаҳатларни тўплаб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ходимлари ва мутахассисларга ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланма ўсимликлар карантини соҳасидаги фитосанитар назоратни самарали ташкил этиш, мониторинг жараёнларини юритиш, заарли организмлар ва касалликларни аниқлаш ҳамда уларга қарши курашишда илғор усуллардан фойдаланиш каби муҳим масалаларни қамраб олади.

**Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

# **МУНДАРИЖА**

Ўсимликлар карантини бўйича қонунчилик ҳужжатлари.....	5
Ўсимликлар карантинининг тушунчаси ва аҳамияти.....	7
Мониторинг юритиш тартиби.....	14
Фитосанитар дала назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш..	16
Мониторинг ва фитосанитар дала назорати натижаларини расмийлаштириш.....	18
Иловалар.....	19
Ижтимоий тармоқдаги фойдали ҳаволалар.....	59

## КИРИШ

Сўнгти йилларда Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 15 июлдаги ПҚ-5185-сон "Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ташкил этилди. Мазкур агентликнинг асосий вазифалари ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, фитосанитар хавфсизликни таъминлашда илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ривожлантириш, замонавий инновацион ечимлар, режалаштириш ва бошқариш усусларини жорий этишдан иборат.

Ушбу қўлланма ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш бўйича асосий тушунчаларни, ҳуқуқий асосларни қамраб олади. Унда мониторинг ва назорат тадбирларини амалга ошириш босқичлари, зарур ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ходимлари ва мутахассислар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

# ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг  
”Ўсимликлар карантини тўғрисида“ги  
Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш  
ва қўшимчалар киритиш ҳақида“ги Қонуни



Ўзбекистон Республикасининг  
Президентининг ”Республикада ўсимликлар  
карантини ва ҳимояси тизимини тубдан  
такомиллаштириш чора-тадбирлари  
тўғрисида“ги фармони



Ўзбекистон Республикасининг  
Президентининг ”Ўсимликлар карантини  
соҳасида мониторинг юритиш ва  
фитосанитар дала назоратини амалга  
ошириш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида“ги қарори



Ўзбекистон Республикасининг  
Президентининг ”Ўсимликлар карантини  
бўйича давлат хизмати фаолиятини янада  
такомиллаштириш чора-тадбирлари  
тўғрисида“ги қарори



Ўзбекистон Республикасининг  
Президентининг ”Ўзбекистон  
Республикасида ўсимликлар карантини ва  
ҳимояси тизимини тубдан  
такомиллаштирилганлиги муносабати билан



**Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг  
айрим қарорларига ўзгартериш ва  
қўшимчалар киритиш, шунингдек,  
баъзиларини ўз кучини йўқотган деб  
ҳисоблаш тўғрисида”ги қарори**

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президентининг “Ўзбекистон Республикаси  
ўсимликлар карантини ва ҳимояси  
агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги  
Қарори**



**Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар  
Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасининг  
давлат чегараси орқали ўтказиш  
пунктларида чегара, божхона, санитария-  
карантин, фитосанитария ва ветеринария  
назоратини ташкил этиш тартибини янада  
такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори**



# ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ



**Ўсимликлар карантинининг институционал асослари.**  
**Ўсимликлар карантинининг тушунчаси.**

Ўсимликлар карантинининг **институционал базаси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “**Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида**”ги ПФ-6262-сон қарори билан белгиланды. Мазкур фармонда қўйидагилар тасдиқланды:

- ✓ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилди;
- ✓ Агентлик Ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш ва лабораторияларни техник жиҳатдан жиҳозлаш учун “Агробанк” АТБ томонидан **200 млрд** сўмлик кредит линияси очилди ва янги инновацион тадқиқотларни амалиётга жорий қилиш учун **10 млрд** сўм микдорида грант ажратилди;
- ✓ Агентликнинг “**e-Fitouz**” автоматлаштирилган ахборот тизими жорий қилиниб, соҳага оид барча фаолият ушбу тизимга интеграция қилинди.



# Ўсимликлар карантини тұғрисидаги қонун

Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар карантини тұғрисида" ги Қонун 2018 йил 9 июля қабул қилиниб, ўсимликлар карантини соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилған.

**Ўсимликлар карантини** – қишлоқ хўжалигига ва бошқа ўсимликлар дунёсига зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини обьектлари кириб келишининг, тарқалишининг олдини олишга ҳамда бундай обьектларни бартараф этишга қаратилған тадбирлар мажмуи



## Фитосанитария талаблари

карантин остидаги  
маҳсулотга, уни олиб  
киришга, олиб чиқишга,  
ишлиб чиқаришга, қайта  
ишлишга

сақлашга, ташишга,  
реализация қилишга ва йўқ  
қилишга доир талабларни  
белгилайдиган

давлат ва  
хўжалик  
бошқаруви  
органлари

юридик ва  
жисмоний  
шахслар  
томонидан

бажарилиши  
шарт бўлган  
ҳужжатлар

# **Ўсимликлар карантини соҳасини тартибга солиш**

**Ўсимликлар карантини соҳасини** давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ушбу соҳада давлатнинг асосий вазифаси – ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида самарали бошқарувни таъминлаш, зарарли организмлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш, мониторинг ва назоратни ташкил этиш, ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришдан иборат.

Ўсимликлар карантини соҳасини тартибга солишга масъул бўлган қўйидаги ваколатли давлат органлари мавжуд:


- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;**
- **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги;**
- **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.**



**!** **Муҳим:** Ҳукумат қарори (32-сон, 22.01.2021 й.) билан Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ўз ваколати доирасида қўйидагиларни амалга оширади:

- ✓ ўсимликлар карантини соҳасида **ягона давлат сиёсати** амалга оширилишини таъминлайди;
- ✓ ўсимликлар карантини соҳасидаги **давлат дастурларини тасдиқлайди** ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;
- ✓ давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўсимликлар карантини соҳасидаги фаолиятини **мувофиқлаштиради**;
- ✓ ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳужжатларни, хусусан, карантин рухсатномасини, транспорт бирликларини очиш тўғрисидаги далолатномани, карантин кўриги далолатномасини, фитосанитария сертификатини, ички фитосанитария сертификатини ва реэкспорт учун **фитосанитария сертификатини бериш тартибини белгилайди**;
- ✓ ўсимликлар карантини соҳасида **мониторингни амалга ошириш тартибини белгилайди**;
- ✓ фитосанитарияга оид хавф таҳлилини ўтказиш, зарарли организмлардан холи зоналар ва **зарарли организмлар сони кам бўлган зоналарни эълон қилиш** ҳамда бундай зоналар мақомини бекор қилиш тартибини белгилайди;
- ✓ Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудларини **ўсимликлар карантини остида деб эълон қиласи** ҳамда **зарур карантин чекловларини ўрнатади**.



Шунингдек, ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги:

- ўсимликлар карантини соҳасидаги **давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш** ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- ўсимликлар карантини бўйича дастурлар ва тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан **давлат назоратини амалга оширади**, бу дастурлар ва тадбирларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз вақтида бажарилиши учун жавобгар бўлади;
- ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган буйруқлар чиқаради, йўриқномаларни, ўсимликлар карантини қоидаларини ва **фитосанитария талабларини белгиланган тартибда тасдиқлайди** ҳамда ташкилотлар ва аҳоли эътиборига етказади;
- карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш чоғидаги ўсимликлар карантини қоидаларини белгилайди, халқаро савдо контрактларига (шартномаларига) Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига ўсимликлар карантини обьектлари кириб келишининг ва тарқалишининг олдини олишни таъминлайдиган **талаблар киритилишини кўриб чиқади**, шунингдек **хulosалар** беради;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган экиш материаллари, карантин остидаги маҳсулотлар ва уларнинг тарқалиш ҳудудлари рўйхатини тасдиқлайди;
- **фитосанитария талабларини тасдиқлайди** (*Кўлланманинг 1-иловаси*) ва бошқ.;

### **Бу муҳим!**

Жорий йилнинг Сенатнинг эллик тўртинчи ялпи мажлисида “Фитосанитария талаблари енгиллаштирилиши муносабати билан “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги Қонун кўриб чиқилди. Қонун билан фитосанитария сертификатини ёки гувоҳномасини олиш талаб этилмайдиган карантин остидаги маҳсулотларни олиб киришда экспорт қилувчи хорижий мамлакатларнинг фитосанитария сертификатини ёки гувоҳномасини талаб этиш бекор қилинмоқда: <https://senat.uz/plenary-sessions/post-2376>

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари:

- ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат дастурларини **амалга оширишда иштирок этади**;
- ўсимликлар карантини соҳасидаги **ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади**;
- ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг тақдимномаларига кўра тегишли ҳудудларни **ўсимликлар карантини остида деб эълон қиласи ва зарур карантин чекловларини ўрнатади**;
- ўсимликлар карантинига доир тадбирларни ўтказишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини **мувофиқлаштиради**.

**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенция билан танишиш учун QR-кодни сканерланг**



**Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижкорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ўсимликлар карантинига доир тадбирларни ўтказишда ҳам иштирок этади.** Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда ўсимликлар карантини соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади, ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади ҳамда тегишли ҳудуд аҳолисини ўсимликлар карантини обьектлари тарқалганлиги тўғрисида хабардор қилишда ўсимликлар карантини давлат инспекторларига кўмаклашади.





Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотни (шу жумладан транзит юкларни) текшириш ўсимликлар карантини **давлат инспекторлари** томонидан **ўсимликлар карантини чегара пунктларида ўтказилади**.



Ўсимликлар карантини агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари агрономлари, чегара пунктлари, йўллар, станциялар, аэропортлар ва поштамтлар карантин пунктлари ходимлари ҳамда заарсизлантириш ва заарли ҳашаротларга қарши курашиб хизматлари бошлиqlари **ўсимликлар карантини давлат инспекторлари**дир.

### **Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қўйидагиларга ҳақли:**

**лаборатория текширувлари ва тегишли экспертиза ўтказиш учун карантин остидаги маҳсулотдан намуналар олишга**

**ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларининг бузилишларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритишга**

**карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудига монеликсиз киришга**

# МОНИТОРИНГ ЮРИТИШ ТАРТИБИ



**“Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом**



**“Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимликлар карантини соҳасида **мониторинг юритиш** ва **фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартибини** белгилайди!

Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг **Қорақалпоғистон Республикаси** **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари** (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) ҳамда **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман** (шаҳар) **бўлимлари** (кейинги ўринларда – туман бўлимлари) томонидан юритилади.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати томонидан ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига асосан **ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг**:

- ўсимликлар карантини обьектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишига, тарқалишига ҳамда биоэкологик хусусиятларига таъсир қўрсатишига кўмаклашувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш;
- ўсимликлар карантини обьектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш йўллари ва тарқалган ҳудудлари ҳамда ўчоқларини аниқлаш;
- фитосанитар хавфни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ўсимликлар карантини обьектларини баҳолаш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилиш;
- ўсимликлар карантини обьектларига қарши курашиш;
- заарли организмлар ўсимликларга иқтисодий зарар етказишининг олдини олиш мақсадида юритилади.



Үсімликтар карантини обьектлари ва бошқа заарлы организмларнинг тарқалиши улар **аниқланған ҳудудларга нисбатан баҳоланади!**

### Баҳолашда қуидаги тәдбиrlар амалға оширилади:



Қишлоқ хұжалиги  
әқинлари турлари,  
дарахтзорлар, яйлов  
ва сув йүлларига  
қараб йұналишларни  
танлаш



Юридик ва жисмоний  
шахснинг манзили,  
әғалик шакли, қишлоқ  
хұжалиги ерлари ва  
әқинлар түғрисидаги  
маълумотларни олиш  
ва үрганиш



Зааркунанда,  
касаллик ва бегона  
үтларга қарши  
курашиб тәдбиrlари  
түғрисидаги  
маълумотлар билан  
танишиш



Үсімлик тури,  
миқдори, ҳажми,  
зааркунанда,  
касаллик ва бегона  
үтлар мавжудлiği  
ёки заарланиш  
холатини күрсатиш



Баҳолаш якунида  
түпланған  
маълумотлар таҳлил  
қилиниб, карантин  
чораларини  
белгилаш бүйича  
хулоса қилинади

# ФИТОСАНИТАР ДАЛА НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ



Ўсимликлар карантини объектлари, бегона ўтларни ҳамда уларнинг уруғларини ва бошқа заарли организмларни дала назоратида аниқлаш

Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш мазкур Низомга иловага мувофиқ **схема бўйича амалга оширилади** (Қўлланманинг 2-иловаси).

»»» Шунингдек, фитосанитар дала назорати ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг фитосанитар тозалигини таъминлаш, уларда ўсимликлар карантини объектларининг **мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида** амалга оширилади. Мониторинг натижалари асосида чораклик режалар тузилади ва ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан фитосанитар дала назорати амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикаси учун ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа заарли организмларни дала назоратида аниқлаш қуидаги тартибда амалга оширилади:

 **қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилаётган майдонлардаги тупроқда заарли организмларни аниқлашда** заарли организм ривожланишидан ва тупроқда учратилишидан келиб чиқиб, **тупроқнинг турли чуқурликларидан намуналар олинади** ва дала шароитида энтомологик элақ, қисқич, лупа, бинокуляр ва бошқа анжомлар орқали кузатиш усули билан назоратдан ўтказилади ёки **тупроқни энтомологик экспертизадан ўтказиш мақсадида ўсимликлар карантини лабораторияларига юборилади**;

 **ўсимликларни сақлаш, реализация қилиш жойларида ва вегетация даврига қараб ўсув (вегетатив) нуқтаси, илдизи, пояси, гули, меваси ҳамда уруғида заарли организмларни аниқлашда лупа, махсус қайчи, пичоқ, қисқич, ҳашарот солгич ва бошқа анжомлар орқали кузатиш усули билан назоратдан ўтказилади;**

 **карантин остидаги маҳсулотларда флотацион (дондаги заараркунандаларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган усул) ва бошқа усуллар орқали дон, дуккакли экин ва бошқаларда яширин зааралланганикни аниқлашда **намуналарни тузли сувга солиб, натижада юзага қалқиб чиқсан зааралланган донларни ажратиб олиш ва улардан заараркунандалар турини аниқлаш амалга оширилади**;**

ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарда, омборхоналарда, реализация қилиш жойларида, очиқ ва ёпиқ турдаги далаларда феромон ва бошқа турдаги ҳашарот тутқичлардан фойдаланиб заарли организмларнинг ўчоқлари аниқланади.

**!** **Маълумот учун:** Ўсимликларнинг карантинидаги бегона ўтларни ва уларнинг уруғларини аниқлаш морфологик белгиларидан келиб чиқиб кузатиш, уруғларни ажратиб-кузатиш ва таққослаш усули орқали текшириладиган мосламада бир текис ёйиш, турли хил ўлчамдаги элақлар, бинокуляр микроскоп ва лупа ёрдамида турларга бўлиш орқали амалга оширилади, фитосанитар дала назорати даврида аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда ўсимликлар карантини лабораторияларига юборилади.

# МОНИТОРИНГ ВА ФИТОСАНИТАР ДАЛА НАЗОРАТИ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ



Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати натижалари бўйича **бир кун ичида далолатнома тузилади** ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар белгиланади.

Ўсимликлар карантини мониторинги натижаларига кўра, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган **кўрсатмалар ижроси юзасидан** мунтазам **назорат ўрнатилади**.



Ўрнатилган карантин чекловлари **Агентлик** ва унинг худудий бошқармалари ҳамда туман бўлимлари томонидан назоратга олинади.

Ўрнатилган карантин чекловлари юзасидан жамоатчилик назорати талаб этилган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар жалб этилиши мумкин.

# ИЛОВАЛАР

1-илюва

## Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг 2022 йил 21 декабрдаги 4-сон буйруғига ИЛОВА

Карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш, олиб чиқиш, ишилаб чиқариш, қайта ишилаш, сақлаш, ташиш, реализация ҳамда йўқ қилишига доир **фитосанитария талаблари**

T/p	Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулот тури	Махсус фитосанитария талаблари
<b>Экин материаллари</b>		
1.	Донли экинлар уруғлари	<p>Уруғ, тара, қадоқ ва транспорт воситалари ўсимликлар карантини обьектлари, шу жумладан қуйидаги заарли организмлардан холи бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"><li>1. Трогодерма ангустум қўнғизи (<i>Trogoderma angustum</i>);</li><li>2. Трогодерма белфинчае қўнғизи (<i>Trogoderma ballfinchae</i>);</li><li>3. Капр қўнғизи (<i>Trogoderma granarium</i>);</li><li>4. Трогодерма грассмани қўнғизи (<i>Trogoderma grassmani</i>);</li><li>5. Трогодерма лонгисетозум қўнғизи (<i>Trogoderma longisetosum</i>);</li><li>6. Трогодерма орнатум қўнғизи (<i>Trogoderma ornatum</i>);</li><li>7. Трогодерма симплекс қўнғизи (<i>Trogoderma simplex</i>);</li><li>8. Трогодерма стернале қўнғизи (<i>Trogoderma sternale</i>);</li></ol>

Т/р	Үсімликлар карантини остидаги маҳсулот түри	Махсус фитосанитария талаблари
		<p>9. Кенг хартумли омбор узунбуруну (<i>Caulophilus latinasus</i>);</p> <p>10. Дон күяси (<i>Sitotroga cerealla</i>);</p> <p>11. Буғдой трипси (<i>Haplothrips tritici</i>);</p> <p>12. Буғдой қандаласи (<i>Blissus leucopterus</i>);</p> <p>13. Дон меромизидан (<i>Meromyza nigriventris</i>);</p> <p>14. Америка маккажұхори тунлами (<i>Helicoverpa zea</i>);</p> <p>15. Каллособрухус туркумiga оид донхұрлар (<i>Callosobruchus spp.</i>);</p> <p>16. Ғарб маккажұхори құнғизи (<i>Diabroticavirgifera</i>);</p> <p>17. Маккажұхори баргларининг тунлами (<i>Spodoptera frugiperda</i>);</p> <p>18. Жанубий тунлам (<i>Spodoptera eridania</i>);</p> <p>19. Бразилия донхұри (<i>Zabrotes subfasciatus</i>).</p> <p>20. Миср нұхат донхұри (<i>Bruchidius incarnatus</i>);</p> <p>21. Ерәнғоқ донхұри (<i>Caryedon gonagra</i>);</p> <p>22. Ерәнғоқ парвонаси (<i>Paralispa gularis</i>);</p> <p>23. Калифорния нұхат минёри (<i>Liriomyza langei</i>);</p> <p>24. Буғдойнинг сарық шилимшиқ бактериози (<i>Corynebacterium tritici</i>);</p> <p>25. Ҳинд буғдой қоракуяси (<i>Tilletia indica Vitra</i>);</p>

<b>T/p</b>	<b>Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулот тури</b>	<b>Махсус фитосанитария талаблари</b>
		26. Арпанинг чизиқ қурама касаллиги ( <i>Barley stripe mosaic virus</i> ); 27. Зарпеклар ( <i>Cuscuta spp.</i> ).
2.	Уруғлик буғдой ( <i>Triticum spp.</i> ), тритикале ( <i>Triticosecale</i> )	Уруғлик ва экин материаллари ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан қуидаги заарли организмлардан холи худудда етиштирилган бўлиши лозим: 1. Мазкур жадвалнинг 1-позициясида кўрсатилган заарли организмлар; 2. Буғдой нематодаси ( <i>Anguina tritici</i> ).
3.	Уруғлик маккажўхори ( <i>Zea mays ssp.</i> )	Уруғлик ва экин материаллари ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан қуидаги заарли организмлардан холи худудда етиштирилган бўлиши лозим: 1. Мазкур жадвалнинг 1-позициясида кўрсатилган заарли организмлар; 2. Маккажўхори трипси ( <i>Frankliniella williamsi</i> ); 3. Шимол маккажўхори қўнғизи ( <i>Diabrotica barberi</i> ); 4. Маккажўхорининг бактериал сўлиши ( <i>Pantoea stewartii</i> subsp. <i>stewartii</i> ); 5. Маккажўхори диплодиози ( <i>Stenocarpella macrospora</i> ); 6. Маккажўхори жанубий гелминтоспориози ( <i>Drechslera maydis</i> ); 7. Сохта пўстлоқ ҳаммахўри ( <i>Dinoderus bifoveolatus</i> ).
4.	Уруғлик шоли ( <i>Oryza spp.</i> )	Уруғлик ва экин материаллари ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан қуидаги заарли

<b>T/p</b>	<b>Үсімликлар карантини остидаги маҳсулот түри</b>	<b>Махсус фитосанитария талаблари</b>
		<p>организмлардан холи худудда етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мазкур жадвалнинг 1-позициясида кўрсатилган заарли организмлар;</li> <li>2. Шоли бактериал куйиш касаллиги (<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>oryzae</i>);</li> <li>3. Шолининг бактериал чизиқли доғланиши (<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>oryzicola</i>);</li> <li>4. Шоли нематодаси (<i>Aphelenchoides besseyi</i>).</li> </ol>
5.	Кунгабоқар уруғи ( <i>Helianthus spp.</i> )	<p>Уруғлик ва экин материаллари үсімликлар карантини объектлари, шу жумладан қўйидаги заарли организмлардан холи худудда етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мазкур жадвалнинг 1-позициясида кўрсатилган заарли организмлар;</li> <li>2. Кунгабоқар баргхўри (<i>Zygogramma exclamationis</i>);</li> <li>3. Кунгабоқар поясининг кулранг доғли касаллиги (<i>Diaporthe helianthi</i>).</li> </ol>
6.	Дуккаклилар уруғи	<p>Уруғлик ва экин материаллари үсімликлар карантини объектлари, шу жумладан қўйидаги заарли организмлардан холи худудда етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мазкур жадвалнинг 1-позициясида кўрсатилган заарли организмлар;</li> <li>2. Соя қизил-пушти церкоспориози (<i>Cercospora kikuchii</i>);</li> <li>3. Соя пояси раки (<i>Diaporthe phaseolorum</i>);</li> </ol>

<b>T/p</b>	<b>Үсимликлар карантини остидаги маҳсулот тури</b>	<b>Махсус фитосанитария талаблари</b>
		4. Бактериал ҳалқали чириш касаллиги ( <i>Clavibacter michiganensis</i> ssp.).
7.	Итузумдошлар, резавор мевалилар қовоқдошлар уруғлари жумладан ( <i>Solanum tuberosum</i> данашкара) (тасқару)	<p>Уруғлик ва экин материаллари ва үсимликлар карантини объектлари, шу қаралып, заарлы организмлардан холи ҳудудда етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мазкур жадвалнинг 1-позициясида кўрсатилган заарли организмлар;</li> <li>2. Кartoшка куяси (<i>Phthorimaea operculella</i>);</li> <li>3. Fўза куяси (<i>Pectinophora gossypiella</i>);</li> <li>4. Помидор трипси (<i>Frankliniella schultzei</i>);</li> <li>5. Африка қовун пашшаси (<i>Bactrocera cucurbitae</i>);</li> <li>6. Қовоқдошларнинг чизиқли бактериал касаллиги (<i>Acidovorax citrulli</i>);</li> <li>7. Хинагул доғсимон некрози вируси (<i>Impatiens necrotic spot virus</i>);</li> <li>8. Помидорнинг бронзали доғланиш касаллиги (Tomato spotted wilt virus (TSWV));</li> <li>9. Бактериал ҳалқали чириш (<i>Clavibacter michiganensis</i> ssp. <i>michiganensis</i>);</li> <li>10. Пепино мозаика вируси (<i>Pepino mosaic virus</i>).</li> </ol>
8.	Ширин қалампир уруғи ( <i>Capsicum spp.</i> )	Мазкур жадвалнинг 1, 7 ва 9-позицияларида кўрсатилган үсимликлар карантини объектлари, шу жумладан заарли организмлардан холи ҳудудда етиштирилган бўлиши лозим.

<b>T/p</b>	<b>Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулот тури</b>	<b>Махсус фитосанитария талаблари</b>
9.	Помидор уруғлари	<p>Уруғлик ва экин материаллари ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан қуидаги заарли организмлардан холи худудда етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мазкур жадвалнинг 1 ва 7-позицияларида кўрсатилган заарли организмлар;</li> <li>2. Пепино мозаика вируси (<i>Pepino mosaic virus</i>);</li> <li>3. Помидор меваларининг жигарранг бужмайиш касаллиги (<i>Tomato brown rugose fruit virus (ToBRFV)</i>);</li> <li>4. Хинагул доғсимон некрози вируси (<i>Impatiens necrotic spot virus</i>);</li> <li>5. Помидорнинг бронзали доғланиш касаллиги (<i>Tomato spotted wilt virus (TSWV)</i>).</li> </ol>
10.	Пиёз (барча турлари) уруғлари ( <i>Allium spp.</i> )	<p>Уруғлик ва экин материаллари ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан қуидаги заарли организмлардан холи худудда етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мазкур жадвалнинг 1 ва 7-позицияларида кўрсатилган заарли организмлар;</li> <li>2. Пиёз минёри (<i>Liriomyza nietzkei</i>);</li> <li>3. Пиёз поя нематодаси (<i>Ditylenchus dipsaci</i>).</li> </ol>
11.	Уруғлик ғўза ( <i>Gossypium spp.</i> )	<p>Уруғлик ва экин материаллари ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан қуидаги заарли</p>

<b>T/p</b>	<b>Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулот тuri</b>	<b>Махсус фитосанитария талаблари</b>
		<p>организмлардан холи ҳудудда етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мазкур жадвалнинг 1, 6 ва 7-позицияларида кўрсатилган заарли организмлар;</li> <li>2. Миср ғўза тунлами (<i>Spodoptera littoralis</i>);</li> <li>3. Осиё ғўза тунлами (<i>Spodoptera litura</i>);</li> <li>4. Ғўза антракнози (<i>Glomerella gossypii</i>);</li> <li>5. Техас илдиз чириш касаллиги (<i>Phymatotrichopsis omnivora</i>).</li> </ol>
12.	Уруғлик район	<p>Уруғлик ва экин материаллари ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан қўйидаги заарли организмлардан холи ҳудудда етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мазкур жадвалнинг 1-позициясида кўрсатилган заарли организмлар;</li> <li>2. Пепино мозаика вируси (<i>Pepino mosaic virus</i>).</li> </ol>
<b>Уруғлик картошка</b>		
13.	Уруғлик картошка, туганаклари пробиркалардаги туганаклар	<p>Мазкур жадвалнинг 14-позициясида кўрсатилган ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан заарли организмлардан холи ҳудудда етиштирилган бўлиши лозим.</p>
14.	Картошканинг экинга мўлжалланган туганаклари	<p>Уруғлик ва экин материаллари ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан қўйидаги заарли организмлардан холи ҳудудда ва/ёки ишлаб чиқариш жойларида етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Осиё ғўза тунлами (<i>Spodoptera litura</i>);</li> </ol>

Т/р	Үсімликлар карантини остидаги маҳсулот түри	Махсус фитосанитария талаблари
		<p>2. Америка йүнғиңқа минёри (<i>Liriomyza trifolii</i>);</p> <p>3. Картошка күяси (<i>Phthorimaea operculella</i>);</p> <p>4. Картошка құнғизи (<i>Epitrix tuberis</i>);</p> <p>5. Гватемала картошка күяси (<i>Tecia solanivora</i>);</p> <p>6. Миср ғұза тунлами (<i>Spodoptera littoralis</i>);</p> <p>7. Картошка қора күяси (<i>Thecaphora solani</i>);</p> <p>8. Анд фомоз касаллиги (<i>Phoma andina</i>);</p> <p>9. Картошка нимранг нематодаси (<i>Globodera pallida</i>);</p> <p>10. Картошка олтинранг нематодаси (<i>Globodera rostochiensis</i>);</p> <p>11. Картошка барг томирлари сарғайиши (<i>Potato yellow vein virus</i>);</p> <p>12. Картошканинг сариқ паканалик касаллиги (<i>Potato yellow dwarf virus</i>);</p> <p>13. Картошка рак касаллиги (<i>Synchytrium endobioticum</i>);</p> <p>14. Картошка Т теповируси (<i>Potato T tepovirus</i>);</p> <p>15. Картошка туганак нематодаси (<i>Ditylenchus destructor</i>);</p> <p>16. Илдиз галл нематодаси (<i>Meloidogyne spp.</i>);</p> <p>17. Сохта галл нематодаси (<i>Nacobbus aberrens</i>);</p> <p>18. Картошканинг қорасон касаллиги (<i>Erwinia carotovora</i>);</p>

T/p	Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулот тури	Махсус фитосанитария талаблари
		<p>19. Бактериал ҳалқали чириш (<i>Clavibacter michiganensis</i>);</p> <p>20. Помидорнинг бронзали доғланиш касаллиги (<i>Tomato spotted wilt virus</i> (<i>TSWV</i>));</p> <p>21. Пепино мозаика вируси (<i>Pepino mosaic virus</i>);</p> <p>22. Хинагул доғсимон некрози вируси (<i>Impatiens necrotic spot virus</i>);</p> <p>23. Картошканинг Анд вируси (<i>Andean potato mottle virus</i>);</p> <p>24. Картошканинг енгил мозаикали Анд вируси (<i>Andean potato mild mosaic virus</i>);</p> <p>25. Картошканинг латент Анд вируси (<i>Andean potato latent virus</i>).</p> <p>Маҳсулот картошканинг мини туганак қолдиқларидан холи бўлиши шарт. Бунда, маҳсулот таркибидаги тупроқ қолдиғи маҳсулот жами вазнининг 0,1 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.</p>
<b>Мевали экинларнинг кўчатлари, пайвандтаглари ва қаламчалари</b>		
15.	Уруғли, данакли ва ёнғоқмевали ўсимликлар ҳамда уларнинг манзарали шакллари, кўчатлари, пайвандтаглари қаламчалари (замбуруғ мицелийсидан ташқари)	<p>Экин материаллари ўсимликлар карантини объектлари, шу жумладан қуйидаги заарли организмлардан холи бўлиши лозим:</p> <p>1. Мазкур жадвалнинг 1-позициясида кўрсатилган заарли организмлар;</p> <p>2. Қора цитрус оқсаноти (<i>Aleurocanthus woglumi</i>);</p> <p>3. Ўрта ер денгизи мева пашшаси (<i>Ceratitis capitata</i>);</p>
16.	Олма, шафтоли, бодом, олхўри, ўрик (абрикос), олча, гилос, нок, беҳи ўсимликлари	

<b>T/p</b>	<b>Үсімликлар карантини остидаги маҳсулот түри</b>	<b>Махсус фитосанитария талаблари</b>
	пайвандтаглари ва қаламчалари ҳамда манзарали шакллари ( <i>Malus spp.</i> , <i>Prunus spp.</i> , <i>prunus persica</i> , <i>prunus dulcis</i> , <i>prunus domestica</i> , <i>prunus armeniaca</i> , <i>prunus subg. cerasus</i> , <i>prunus mahaleb</i> , <i>prunus avium</i> , <i>Cydonia spp.</i> , <i>Pyrus spp.</i> )	4. Наталия мева пашласи ( <i>Ceratitis rosa</i> ); 5. Шарқ мева пашласи ( <i>Bactrocera dorsalis</i> ); 6. Нок парвонаси ( <i>Acrobasis pyrivorella</i> ); 7. Аңжир мұмсымон сохта қалқондори ( <i>Ceroplastes rusci</i> ); 8. Қызыл померанец қалқондори ( <i>Aonidiella aurantii</i> ); 9. Мева узунбуруни ( <i>Conotrachelus nenuphar</i> ); 10. Тут қалқондори ( <i>Pseudaulacapsis pentagona</i> ); 11. Олма тилла құнғизи ( <i>Agrilus mali</i> .); 12. Олма пашласи ( <i>Rhagoletis pomonella</i> ); 13. Япон құнғизи ( <i>Popillia japonica</i> ); 14. Япония мұмсымон сохта қалқондори ( <i>Ceroplastes japonicus</i> ); 15. Япония чүпсімон қалқондори ( <i>Lopholeucaspis japonica</i> ); 16. Америка йүнғичқа минёри ( <i>Liriomyza trifolii</i> ); 17. Шарқ унсымон құрти (( <i>Pseudococcus cryptus</i> )); 18. Жигарранг-мармарсымон қандала ( <i>Halymorpha halys</i> ); 19. Жанубий Америка барг минёри ( <i>Liriomyza huidobrensis</i> ); 20. Шарқ мевахүри ( <i>Grapholitha molesta</i> ); 21. Цитрус оққаноти ( <i>Dialeurodes citri</i> );
17.	Дўлана, четан, ирга, мушмула, қизилча, пиракант, ёнғоқ, странвезия күчатлари, пайвандтаглари ва қаламчалари ( <i>Chaenomeles japonica</i> , <i>Crataegus spp.</i> , <i>Sorbus spp.</i> , <i>Amelanchier spp.</i> , <i>Eriobotrya japonica</i> , <i>Cotoneaster spp.</i> , <i>Pyracantha spp.</i> , <i>Stranvaesia spp.</i> , <i>Juglans spp.</i> )	

T/p	Үсімликлар карантини остидаги маҳсулот түри	Махсус фитосанитария талаблари
		<p>22. Комсток құрти (<i>Pseudococcus comstocki</i>);</p> <p>23. Цитрус ини күяси (<i>Phylloconistis citrella</i>);</p> <p>24. Сариқ померац қалқондори (<i>Aonidiella citrina</i>);</p> <p>25. Осиё мева дрозофиласи (<i>Drosophila suzukii</i>);</p> <p>26. Тиканли тоғ оққаноти (<i>Aleurocanthus spiniferus</i>);</p> <p>27. Америка оқ капалаги (<i>Hypenantria cunea</i>);</p> <p>28. Шимолий Америка гилос пашшаси (<i>Rhagoletis cingulata</i>);</p> <p>29. Калифорния қалқондори (<i>Quadrastriiotus perniciosus</i>);</p> <p>30. Шафтоли мева күяси (<i>Carposina sasakii</i>).</p> <p>Қуидаги үсімликлар карантини объектларидан холи ҳудудда ва/ёки ишлаб чиқарыш жойларida етиштирилган бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Техас илдиз чириш касаллиги (<i>Phymatotrichopsis omnivora</i>);</li> <li>2. Картошка рак касаллиги (<i>Synchytrium endobioticum</i>);</li> <li>3. Ток бактериози (Пирс касаллиги) (<i>Xylella fastidiosa</i>);</li> <li>4. Мевали дарахтларнинг куйдиргиси (<i>Erwinia amylovora</i>);</li> <li>5. Бодом шохларининг аномал ривожланиш касаллиги (<i>Candidatus Phytoplasma phoenicium</i>);</li> </ol>

T/p	Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулот тури	Махсус фитосанитария талаблари
		<p>6. Нок шохларининг аномал ривожланиш касаллиги (<i>Candidatus Phytoplasma pyri</i>);</p> <p>7. Цитрус экинларининг рак касаллиги (<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>citri</i>);</p> <p>8. Цитрус тристеца касаллиги (<i>Citrus tristeza virus</i>);</p> <p>9. Шафтолининг қурама касаллиги (<i>Peach rosette mosaic virus</i>);</p> <p>10. Шафтоли яширин мозаика вироид касаллиги (<i>Peach latent mosaic viroid</i>);</p> <p>11. Олхўрининг чизиқли АҚШ касаллиги (<i>American plum line pattern virus</i>);</p> <p>12. Олхўрининг чўтир касаллиги (<i>Plum pox virus</i>);</p> <p>13. Данак мевали дарахтларнинг некротик доғланиши (<i>Prunus necrotic ringspot virus</i>);</p> <p>14. Помидорнинг бронзали доғланиш касаллиги (<i>Tomato spotted wilt virus</i> (TSWV));</p> <p>15. Хинагул доғсимон некрози вируси (<i>Impatiens necrotic spot virus</i>);</p> <p>16. Картошка нимранг нематодаси (<i>Globodera pallida</i>);</p> <p>17. Картошка олтинранг нематодаси (<i>Globodera rostochiensis</i>);</p> <p>18. Илдиз галл нематодаси (<i>Meloidogyne spp.</i>).</p>
18.	Пекан ўсимлигининг кўчатлари пайвандтаглари	Экин материаллари Техас илдизчириш касаллигидан ( <i>Phytophthora omnivora</i> ) холи ҳудудда ва/ёки ишлаб

T/p	Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулот түри	Махсус фитосанитария талаблари
	ва қаламчалари ( <i>Carya illinoiensis</i> )	чиқариш жойларида етиштирилган бўлиши лозим.
